

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ЎзР ФА ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ТЎЙЧИЕВ ЗАФАРЖОН ЗОКИРОВИЧ**

**10/0,4 кВ КУЧЛАНИШДАГИ КУЧ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИНГ  
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ИЧКИ СИММЕТРИЯЛАШ ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

**05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тўйчиев Зафаржон Зокирович**

10/0,4 кВ кучланишдаги куч трансформаторларининг ишончлилигини ички симметриялаш орқали ошириш..... 3

**Туйчиев Зафаржон Зокирович**

Повышение надежности силовых трансформаторов напряжением 10/0,4 кВ путем внутренней симметрии..... 21

**Toychiev Zafarjon Zokirovich**

Improving the reliability of power transformers voltage 10/0.4 kV by internal symmetry..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ЎзР ФА ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ТЎЙЧИЕВ ЗАФАРЖОН ЗОКИРОВИЧ**

**10/0,4 кВ КУЧЛАНИШДАГИ КУЧ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИНГ  
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ИЧКИ СИММЕТРИЯЛАШ ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

**05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.Т4.PhD/Т 3325 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.energetika.uz](http://www.energetika.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупов Дилмурод Турдалевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Тоиров Олимжон Зувурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Болтаев Отабек Ташмухамматович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат кончилиқ ва  
технологиялар университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида ҳузуридаги DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “03” септ соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А. Тел: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: [energetika\\_in@umail.uz](mailto:energetika_in@umail.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А.. Тел.: (99871) 283-23-08).

Диссертация автореферати 2023 йил “18” февраль куни тарқатилди.  
(2023 йил “14” февраль даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**Х.М. Муратов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**К.Ш. Кадиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари  
бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

**О.Х. Ишназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда биринчи навбатда энергетика тизимлари ва уларда эксплуатация бўлган куч трансформаторларининг техник ҳолатига кўра аниқланадиган электр энергияси билан таъминлашнинг ишончилиги муҳим ҳисобланиб, ушбу электр ускуналарининг хизмат кўрсатиш муддатини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда «жаҳон миқёсида умумий тўла қуввати 10000 ГВА дан ошадиган куч трансформаторлари ташкил этмоқда»<sup>1</sup>. Бундай катта кўрсаткичдаги мажмуанинг ишлаш ишончилиги унинг асосий қисми бўлган чулғамларининг ишончилигига боғлиқлиги билан изоҳланади. Бу борада, жумладан, 10/0,4 кВ кучланишли куч трансформаторларнинг ишдан чиқишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ва эксплуатация кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда трансформаторлар ишончилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда энергетика тизимида фойдаланилаётган 10/0,4 кВ кучланишли куч трансформаторларининг носимметрик юкламаларга боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни камайтириш усуллари, узок муддат эксплуатациядаги куч трансформаторларининг ишлаш даврини узайтириш ва ишончилигини ошириш, куч трансформаторларининг тўхтовсиз ишлаши учун ўз вақтида техник хизматлар кўрсатиш, шунингдек куч трансформаторларга носимметрик юкламалар таъсири остида келиб чиқадиган нуқсонларни камайтириш учун замонавий технологияларини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, куч трансформаторларининг ишлаш даврига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, носимметрик ҳолатларни олдини олиш, симметрияловчи қурилма ва эксплуатациядаги куч трансформаторлари чулғамларининг уланиш схемасини ўзгартириш орқали симметриялаш ҳамда трансформаторларнинг ишончилигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда истеъмолчиларни электр энергияси билан сифатли таъминлашда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **“Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш”**<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда узок муддат эксплуатация шароитидаги электр ускуналарни тадқиқ қилиш, жумладан, электр юкламалардаги носимметрик жараёнлар ва уларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, симметрияловчи куч трансформатори чулғамларининг уланиш схемасини такомиллаштириш ва математик

<sup>1</sup> Statistical Review of World Energy, 67-th edition, June 2018.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони

ифодасини олиш, симметрияловчи куч трансформаторининг тажриба намунасини яратиш, куч трансформаторларининг ишончилигини ички симметриялаш орқали ошириш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон ва 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779 “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг 2. “Энергетика, энерготежамкорлик ва муқобил энергия манбалари” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эксплуатациядаги куч трансформаторларининг ишончилигини ошириш ва ночизикли юкламалардаги носимметрик ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Mississippi State University (АҚШ), Technical University of Ilmenau (Германия), Tokyo Technology Institute (Япония), South China University of Technology, (Хитой), Poly-technic University of Milan (Италия), Электродинамика институти (Украина), Москва энергетика институти (Россия), Қозон давлат энергетика университети (Россия), Санкт-Петербург давлат аграр университетларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

10/0,4 кВли электр тармоқларида юзага келадиган носимметрик жараёнларни бартараф этиш ва куч трансформаторларнинг ишончилигини оширишга қаратилган илмий муаммоларни ечишга Н.Ю. Криштопа, А.В. Дед, Д. Гантулга, А.С. Луковенко, А.В. Пятков, И.В. Жежеленко, Л.А. Добрусин, Ю.С. Железко, В.Н. Казансев, Д.С. Федосов, А.А. Белицкий, Л.Д. Клебанов, Ф.Д. Косоухов, Н.А. Мелников, И.В. Наумов, А.О. Филиппов, М.Ю. Теремецкий, М.Г. Баширов, Т.В. Щурская, В.В. Пронь, П.В. Рысев ва бошқа хорижий олимлар катта ҳисса қўшишган.

Республикада энергетика тизимларининг ишончилиги ва самарадорлигини ошириш, электр энергияси сифатини ошириш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги олимлар Х.Ф. Фозилов, Т.Х. Насиров, К.Р. Аллаев, Х.М. Муратов, Ш.В. Хамидов, Т.Ш. Гайибов, О.Х. Ишназаров ўз

ҳиссаларини кўшганлар. Паст кучланишли тақсимлаш тармоқларида энергия тежамкорлигини ошириш ва электр энергияси исрофларини камайтириш муаммоларини ҳал қилишга бағишланган тадқиқотлар, ушбу тармоқлардаги иш ҳолатини симметриялаш вазифасини ҳал қилишга бевосита боғлиқ.

Муваффақиятларга қарамай, ночизикли юкламага эга бўлган кучланиши 10/0,4 кВ бўлган куч трансформаторларининг ишончлилигини ошириш, мавжуд усулларни такомиллаштириш ва янги усулларни яратиш бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 114-22 - сонли “Симметрияловчи куч трансформаторининг тажриба намунасини яратиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган илмий - тадқиқот ишлари дастурининг “Энергетикани ривожлантиришнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ночизикли юкламага эга кучланиши 10/0,4 кВ бўлган куч трансформаторларининг ишончлилигини ички симметриялаш орқали оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

уч фазали симметрияловчи куч трансформатори чулғамларининг уланиш схемасини такомиллаштириш;

уч фазали симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлашнинг математик ифодасини олиш ва алгоритмининг ишлаб чиқиш;

уч фазали симметрияловчи куч трансформаторининг тажриба намунасини яратиш;

тажриба намунасида эксперимент тадқиқотларини ўтказиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;

куч трансформаторларини ички симметриялаш орқали ишончлилигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида узоқ муддат эксплуатация шароитидаги даги кучланиши 10/0,4 кВ бўлган куч трансформаторлари олинган.

**Тадқиқот предмети**ни куч трансформаторлари чулғамларининг уланиш гуруҳи ва схемалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида электротехника назарияси, электромагнит индукция қонуни, Максвеллнинг биринчи интеграл тенгламаси, Стокс теоремаси, тригонометрик айният, эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва ишонччилик назариясидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

уч фазали куч трансформатори иккиламчи чулғамларининг ҳар бирини уч қисмга ажратиш олиш ва нейтралига актив қаршилик қўллаш асосида

ночизикли электр юкламалар кучланишини симметриялаш имконини берувчи уланиш схемаси такомиллаштирилган;

электромагнит индукция қонуни, Максвелнинг биринчи интеграл тенгламаси, Стокс теоремаси ва тригонометрик айният асосида симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш имконини берувчи математик ифода олинган ва алгоритми ишлаб чиқилган;

жуфт уланиш гуруҳлари билан параллел ишлаш имконини берувчи уч фазали симметрияловчи куч трансформатори чулғамларининг уланиш схемаси ва ўрамлар сонини ўзгартириш асосида ишлаб чиқилган;

уч фазали куч трансформаторининг ишончилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш имконини берувчи усул эҳтимоллар ва ишончилик назариялари асосида ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

уч фазали куч трансформатори иккиламчи чулғамларининг ҳар бирини уч қисмга ажратиб ва нейтралга актив қаршилиқ қўллаб уланиш схемаси такомиллаштирилган;

чулғамларнинг уланиш схемаси такомиллашган уч фазали симметрияловчи куч трансформатори ишлаб чиқилган;

куч трансформаторларининг ишончилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.**

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий метрологик аттестациядан ўтган ўлчов асбоблари, маълумотларни қайта ишлашнинг илғор математик усуллари ва меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, шунингдек, назарий ва экспериментал натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш имконини берувчи математик ифода олинганлиги ва алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти симметрияловчи схема асосида куч трансформаторининг тажриба намунаси яратилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 10/0,4 кВ бўлган куч трансформаторларининг ишончилигини ички симметриялаш орқали ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ночизикли электр юкламалар кучланишини симметриялаш имконини берувчи уч фазали куч трансформатори чулғамларининг уланиш схемаси Фарғона вилояти Фурқат тумани ҳудудий электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ нинг 2022 йил 14 ноябрдаги 01-03-20/1232-сон маълумотномаси). Натижада эксплуатациядаги куч трансформаторларининг ишончилиги 3,1 баробарга ошириш имкони яратилган.

уч фазали куч трансформаторининг ишончлилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш имконини берувчи усул Фарғона вилояти Фурқат тумани худудий электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (“Худудий электр тармоқлари” АЖ нинг 2022 йил 14 ноябрдаги 01-03-20/1232-сон маълумотномаси). Натижада корхонада 10/0,4 кВ кучланишдаги қуввати 100 кВА бўлган 1 дона куч трансформаторидаги носимметрик ҳолатларни бартараф этиш орқали 3 302 200 сўм, 85 та куч трансформаторлари учун эса 280 687 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та, илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та илмий мақола, жумладан, 1 та хорижий ва 3 та маҳаллий журналларида чоп этилган. 3 та ЭХМ дастури учун гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ночизиқли юкламага эга бўлган куч трансформаторларининг замонавий ҳолати тенденциялари”** деб номланган биринчи бобида носимметрик ҳолатларни юзага келтирувчи омиллар, уланиш схемалари  $Y/Y_0$ ,  $Y/Z_0$ ,  $Y/Y_0+CK$  бўлган куч трансформаторлари, носимметрик ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мавжуд усуллар таҳлил қилинган.

10/0,4 кВ кучланишдаги куч трансформаторларининг ишончлилигини ички симметриялаш орқали оширишни инобатга олган ҳолда, олиб борилган илмий таҳлил асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.


Диссертациянинг **“Симметрияловчи куч трансформатори бўйича назарий тадқиқотлар”** деб номланган иккинчи бобида уч фазали куч трансформатори иккиламчи чулғамларининг ҳар бирини уч қисмга ажратиб олиш ва нейтралига актив қаршилик қўллаш асосида ночизиқли электр

юкламалар кучланишини симметриялаш имконини берувчи уланиш схемаси такомиллаштирилган (1-расм).



1-расм. Уч фазали симметрияловчи куч трансформаторининг такомиллашган схемаси

Уланиш гуруҳи жуфт ёки тоқ эканлигини аниқлаш имконини берувчи уч фазали симметрияловчи куч трансформаторининг вектор диаграммаси олинган (2-расм).



2-расм. Симметрияловчи куч трансформаторининг вектор диаграммаси

Электромагнит индукция қонуни, Максвелнинг биринчи интеграл тенгламаси, Стокс теоремаси ва тригонометрик айниятдан фойдаланиб симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш имконини берувчи математик ифода олинган.

Магнит оқимларини ҳисоблашда (1, 2, 3) ифодалардан фойдаланилган

$$\Phi_A = -\Phi_0 \cos \omega t \quad (1)$$

$$\Phi_B = \Phi_0 \sin \left( \omega t + \frac{\pi}{6} \right) \quad (2)$$

$$\Phi_C = \Phi_0 \sin \left( \omega t + \frac{5\pi}{6} \right) \quad (3)$$

Куч трансформаторининг юқори ва пастки чулғамларида ҳосил бўладиган ЭЮК, электрмагнит индукция қонунига кўра (4, 5, 6) ифодалардан фойдаланилган

$$E_{11} = -w_1 \Phi_0 \omega (-\sin \omega t) \quad (4)$$

$$E_{21} = -w_2 \Phi_0 \omega \sin\left(\omega t + \frac{2\pi}{3}\right) \quad (5)$$

$$E_{31} = -w_3 \Phi_0 \omega \sin\left(\omega t + \frac{4\pi}{3}\right) \quad (6)$$

Симметрияловчи куч трансформаторининг куйи томонидаги фазаларини чиқиш кучланишининг вектор кўринишида куйидагича ифодаланган

$$\bar{U}_1 = \bar{E}_{11} + \bar{E}_{22} + \bar{E}_{33} \quad (7)$$

$$\bar{U}_2 = \bar{E}_{21} + \bar{E}_{32} + \bar{E}_{13} \quad (8)$$

$$\bar{U}_3 = \bar{E}_{31} + \bar{E}_{12} + \bar{E}_{23} \quad (9)$$

$E_{nX} = E_n \cos 60^\circ$  эканлигини ҳисобга олсак

$$U_1 = -E_{11} + E_{22} \cos 60^\circ + E_{33} \cos 60^\circ \quad (10)$$

$$U_2 = -E_{21} + E_{32} \cos 60^\circ + E_{13} \cos 60^\circ \quad (11)$$

$$U_3 = -E_{31} + E_{12} \cos 60^\circ + E_{23} \cos 60^\circ \quad (12)$$

Юқоридаги ифодалардан (13,14,15) асосий тенгламаларни олинган

$$U_{11} = -\frac{1}{2} w \Phi \omega * \sin \omega t \quad (13)$$

$$U_{21} = \frac{1}{4} w \Phi \omega (\sin \omega t + 3\sqrt{3} \cos \omega t) \quad (14)$$

$$U_{31} = \frac{1}{4} w \Phi \omega (\sin \omega t - 3\sqrt{3} \cos \omega t) \quad (15)$$

Бирламчи чулғамда ҳосил бўладиган индукция ЭЮК ларни мос ҳолда куйидаги кўринишда ифодаланган.

$$U_{10} = -w_{10} \Phi * \omega \sin \omega t \quad (16)$$

$$U_{20} = -\frac{1}{2} w_{10} \Phi \omega (\sqrt{3} \cos \omega t - \sin \omega t) \quad (17)$$

$$U_{30} = -\frac{1}{2} w_{10} \Phi \omega (\sin \omega t + \sqrt{3} \cos \omega t) \quad (18)$$

$\sqrt{3} \cos \omega t$  ни  $U_{10}, U_{20}, U_{30}$  орқали ифодаланган ва симметрияловчи куч трансформаторининг математик ифодаси олинган.

$$U_{11} = \frac{1}{2} w_2 * \Phi * \omega * \frac{U_{30} + U_{20}}{w_1 \Phi \omega} = \frac{w_2}{w_1} (U_{30} + U_{20}) \quad (19)$$


$$U_{22} = \frac{1}{4} * \frac{w_2}{w_1} (-U_{10} + 6U_{30} + 3U_{10}) = \frac{1}{4} * \frac{w_2}{w_1} (2U_{10} + 6U_{30}) \quad (20)$$

$$U_{33} = \frac{1}{4} * w_2 \Phi \omega \left( -\frac{U_{10}}{w_1 \Phi \omega} - 3 \left( -\frac{U_{10} * 2}{\Phi w_1 \omega} + \left( -\frac{U_{20}}{w_1 \Phi * \omega} \right) \right) \right) =$$

$$\frac{1}{4} * \frac{w_2}{w_1} (-U_{10} - 3(-2U_{20} - U_{10})) = \frac{1}{4} * \frac{w_2}{w_1} (-U_{10} + 3U_{10} + 6U_{20}) =$$

$$\frac{1}{4} * \frac{w_2}{w_1} (2U_{10} + 6U_{20}) \quad (21)$$

Мазкур математик ифода асосида симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш алгоритми

Диссертациянинг “Симметрияловчи куч трансформаторнинг тажриба намунасини ишлаб чиқиш ва эксперимент тадқиқотларини

ўтказиш” деб номланган учинчи бобида чулғамларининг уланиш схемаси ва ўрамлар сонини ўзгартириш асосида жуфт уланиш гуруҳлари билан параллел ишлаш имконини берувчи уч фазали симметрияловчи куч трансформаторининг тажриба қурилмаси ишлаб чиқилган (4- ва 5-расмлар), бўйлама ва кўндаланг носимметрик ҳолатларда экспериментал тадқиқотлар ўтказилган ҳамда уларни меъёрий ҳужжатларга мос эканлиги текширилган, назарий ва эксперимент тадқиқотлар натижаларни солиштирилган.



4-расм. Қуввати 2,5 кВА бўлган уч фазали симметрияловчи куч трансформаторининг ферромагнит ўзаги ва чулғамлари



5-расм. Қуввати 2,5 кВА бўлган уч фазали симметрияловчи куч трансформатори


Қуввати 2,5 кВА ли уч фазали симметрияловчи куч трансформатори ва LD DIDACTIC лаборатория жамланмаси моделидан фойдаланиб бўйлама, кўндаланг носимметрик ҳолатларида эксперимент тадқиқот ўтказилган.




6-расм. Симметрияловчи куч трансформатори ва LD DIDACTIC лаборатория жамланмаси моделидан фойдаланиб эксперимент тадқиқот жараёни

LD DIDACTIC лаборатория жамланмаси моделидан фойдаланиб тармоқдаги ток ва кучланишларнинг носимметрик ҳолати натижалари аниқланган, 7-расмда вектор диаграммаси, 8-расмда графиги келтирилган.

Ушбу аниқланган носимметрик ҳолатдаги кучланишлар ГОСТ 32144-2013 талабига тўғри келмаслиги аниқланган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=10,36\%$  ташкил этган.




7-расм. Вектор диаграммаси  
 $\varphi U_A=0,0$ ;  $\varphi U_B=110,3$ ;  $\varphi U_C=-124,7$ .




8-расм. кучланишларнинг графиги  
 $U_A=243,3$  В;  $U_B=246,7$  В;  $U_C=208,2$

Носимметрик ҳолатга келтирилган тармоқга симметрияловчи куч трансформаторини улаб, салт ишлаш ҳолатида пастки томонидаги ҳар бир фаза бўйича ток ва кучланишлари аниқланган, вектор диаграммаси 9-расмда, графиги 10-расмда келтирилган. Бундан кўриб турибдики, симметрияловчи куч трансформатори носимметрик ҳолатдаги тармоқни ГОСТ 32144-2013 талабига мос равишда тўлиқ симметрия ҳолатига келтирганлиги эксперимент тадқиқот орқали аниқланган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=1,03\%$  ташкил этган.




9-расм. Вектор диаграммаси




10-расм. Кучланишларнинг графиги

Носимметрик ҳолатдаги тармоқ ва носимметрик ҳолатдаги актив юклама уланган ҳолат учун олинган натижаларининг вектор диаграммаси 11-расмда, графиги 12-расмда келтирилган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=1,82\%$  ташкил этган.


Носимметрик тармоқ ва носимметрик индуктив юклама уланганда олинган натижаларининг вектор диаграммаси 13-расмда, графиги 14-расмда келтирилган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=1,09\%$  ташкил этган.




11-расм. Вектор диаграммаси  
 $\varphi U_A=0,0$ ;  $\varphi U_B=121,0$ ;  
 $\varphi U_C=-120,0$ .



12-расм. Кучланишларнинг графиги  
 $U_A=222,9$  В;  $U_B=228,8$  В;  $U_C=229,4$  В.




13-расм. Вектор диаграммаси  
 $\varphi U_A=0,0$ ;  $\varphi U_B=120,1$ ;  
 $U_C=-120,0$




14-расм. Кучланишларнинг графиги  
 $U_A=228,8$  В;  $U_B=232,8$  В;  $U_C=232,1$  В.

Симметрияловчи куч трансформаторининг юқори томонига носимметрик тармоқ уланган ва паст кучланишли томонига нозизиқли сиғим юкламалар уланган ҳолат учун натижаларининг вектор диаграммаси 15-расмда, графиги 16-расмда келтирилган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=0,82$  % ташкил этган.




15-расм. Вектор диаграммаси  
 $\varphi U_A=0,0$ ;  $\varphi U_B=120,1$ ;  
 $\varphi U_C=-120,5$



16-расм. Кучланишларнинг графиги  
 $U_A=237,9$  В;  $U_B=240,5$  В;  $U_C=240,9$  В.

Носимметрик ҳолатдаги тармоқ ва носимметрик ҳолатда актив, индуктив ва сиғим, яъни, аралаш юклама уланган ҳолат учун олинган натижаларининг вектор диаграммаси 17-расмда ( $\varphi U_A=0,0$ ;  $\varphi U_B=117,1$ ;  $\varphi U_C=-121,4$ ), графиги 18-расмда ( $U_A=237,9$  В;  $U_B=240,5$  В;  $U_C=240,9$  В) келтирилган. Носимметрия коэффициенти  $K_0=1,93$  % ташкил этган.



17-расм. Вектор диаграммаси



18-расм. Кучланиш графиги

Ўтказилган эксперимент тадқиқот натижасида маълум бўлдики, тармоқ ва юкларда (бўйлама ва кўндаланг) носимметрия бўлганда ҳам симметрия қила олиши ва ноль кетма-кетлик кучланишини бартараф этиши аниқланган.

Олинган эксперимент тадқиқот натижалари меъёрий ҳужжатларга мослиги текширилди.

1-жадвал


Математик статистика назарияси асосида танлаб олинган кучланишларнинг ноль кетма-кетлик носимметрия коэффициенти

	$U_A$	$U_B$	$U_C$
Кучланишлар	242,9	226	224
$K_{01}$	5,3 %		

2-жадвал

Симметрик ҳолатга келтирилган кучланишларнинг ўртача қийматини ноль кетма-кетлик носимметрия коэффициенти

	$U_A$	$U_B$	$U_C$
Кучланишлар	229,4	230,9	234,4
$K_{02}$	1,7 %		



19-расм. Назарий ва амалий эксперимент тадқиқот қийматларини солиштириш

А фазадаги кучланишларнинг фарқи 3% ни, В фазада 4% ни, С фазада 2% ни ташкил этмоқда, кучланишларнинг ўртача қийматининг фарқи 3% ни ташкил этган.

Диссертациянинг “10/0,4 кВ кучланишли куч трансформаторларининг ишончлилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва ишонччилик назариясини қўллаб уч фаза куч

трансформаторининг ишончилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш имконини берувчи усул ишлаб чиқилган. Ушбу усул ёрдамида эксплуатацияда бўлган куч трансформатори ҳамда симметрияловчи трансформаторнинг ишлаш ишончилиги баҳоланган.

Куч трансформаторларида носимметрия туфайли бузилишлари бўйича статистик маълумотлар тўпланган.

Тўпланган маълумотларни таҳлили шуни кўрсатдики, кузатишлар олиб борилган икки йил муддат давомида жами 21 та бузилиш ҳолатлари аниқланган. Кузатиш олиб борилган муддатни интервалларга бўлиб, ҳар бир интервал учун ҳисоблар амалга оширилди. Ҳисоб натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Статистик маълумотлар таҳлиллари

Интервал	$\Delta t$	$n_i$	$P_i = n_i/n$	$t_i$	$P_i t_i$	$\sum n_i/n$	$n_i/n\Delta t \cdot 10^{-6}$	$P_i(t_i - M(t))^2$
0-2000	2000	1	0,04761	1000	47,6	0,047619	23,80952	3421236,49
2000-4000	2000	2	0,09523	3000	285,7	0,142857	47,61904	3994396,80
4000-6000	2000	3	0,14285	5000	714,2	0,285714	71,42857	2862338,06
6000-8000	2000	2	0,09523	7000	666,6	0,380952	47,61904	583958,708
8000-10000	2000	4	0,19047	9000	1714,2	0,571428	95,23809	43193,6076
10000-12000	2000	2	0,09523	11000	1047,6	0,666666	47,61904	221139,661
12000-14000	2000	3	0,14285	13000	1857,1	0,809523	71,42857	1773880,92
14000-16000	2000	1	0,04761	15000	714,2	0,857142	23,80952	1452969,83
16000-18000	2000	3	0,14285	17000	2428,5	1	71,42857	8086795,20
		21			9476,2			22439909,3

Статистик дисперсия:

$$D(t) = \sum [P_i(t_i - M(t))^2] = 112152809 \text{ соат}$$

Ўртача квадратик четланиш:

$$\sigma(t) = \sqrt{D(t)} = \sqrt{112152809} = 10590,2 \text{ соат}$$

Вариация коэффициенти:

$$V(t) = \frac{\sigma(t)}{M(t)} = \frac{10590,2}{9476,2} = 1,12$$

Статистик тадқиқотларда куйидаги хусусиятлар ҳам аниқланган: Арифметик математик кутилишни аниқлашда ўртача квадратик хатолик:

$$\Delta M(t) = \frac{\sigma(t)}{\sqrt{n}} = \frac{10590,2}{\sqrt{21}} = 2310,97 \text{ соат}$$

Ўртача квадратик четланишни ҳисоблашда ўртача квадратик хатолик:

$$\Delta \sigma(t) = \frac{\sigma(t)}{\sqrt{2n}} = \frac{10590,2}{\sqrt{2 \cdot 21}} = 1634,1 \text{ соат}$$

Четланиш қийматларини яхлитлаб куйидагини оламиз

$$\Delta M(t) = 9476,2 \pm 2310,97 \text{ (соат)}$$

Носозликлар орасидаги вақтни математик кутилиш сифатида қабул қилиш, унинг қийматини  $M(t)=9476,2$  соат деб қабул қилиб ёзишимиз мумкин:

$$f(t) = \lambda e^{-\lambda t}.$$

Экспоненциал тақсимот қонунига кўра

$$\lambda = \frac{1}{M(t)} = \frac{1}{9476,2} = 0,000106$$

Пирсоннинг мувофиқлик меъзони ёрдамида аниқлаш

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^k \frac{[n_i - nP'(t_i)]^2}{nP'(t_i)} \quad (23)$$

бу ерда,

k – статистик тақсимот интерваллари сони, k=9

$n_i$  – ҳар бир интервалдаги куч трансформаторларининг бузилиш қийматлари сони;

n – куч трансформаторларнинг бузилиш қийматларининг умумий сони

$P'(t_i)$  – i-чи интервалда куч трансформаторларининг бузилиш эҳтимоллиги.

4-жадвал

Ишончлиликнинг ҳисобий қийматлари

Интервал	$\lambda t_i$	$e^{-\lambda t_i}$	$P'(t_i)$	$nP'(t_i)$	$\sum_{i=1}^k \frac{[n_i - nP'(t_i)]^2}{nP'(t_i)}$
0-2000	0	1	0,191035302	4,01174135	2,26101
2000-4000	0,212	0,808964698	0,154540816	3,24535713	0,477887
4000-6000	0,424	0,654423882	0,125018064	2,62537935	0,053455
6000-8000	0,636	0,529405818	0,1011352	2,12383921	0,007221
8000-10000	0,848	0,428270617	0,081814807	1,71811094	3,030664
10000-12000	1,06	0,34645581	0,066185291	1,3898911	0,267814
12000-14000	1,272	0,28027052	0,053541564	1,12437283	3,128835
14000-16000	1,484	0,226728956	0,043313235	0,90957793	0,008989
16000-18000	1,696	0,183415722	0,035038878	0,73581643	6,967128
	1,908	0,148376844			16,203

Ҳисобланган қиймат  $\chi^2 = 16,2 < 22,4$  га тенг, шунинг учун экспоненциал тақсимот ва бузилишлар ҳақидаги гипотезаси қабул қилинади.

Экспоненциал тақсимот қонунига кўра:  $P(t) = e^{-\lambda t}$ ;  $f(t) = \lambda e^{-\lambda t}$ ;

$$T_{\text{ўртача}} = \frac{1}{\lambda}; \quad \lambda = \text{const.}$$

У ҳолда

$$T_{\text{ўртача}} = \frac{1}{\lambda_1} = \frac{1}{0,000106} = 9434 \text{ соат}$$

$$P(5000) = \exp\left[-\frac{8760}{9434}\right] = e^{-0.93} = 0,395;$$

$$P(10000) = \exp\left[-\frac{17520}{9434}\right] = e^{-1.86} = 0,156;$$

$$P(15000) = \exp\left[-\frac{26280}{9434}\right] = e^{-2.78} = 0,062;$$

Юқоридаги ҳисоблар носимметрия коэффиценти  $K_{01} = 5,3\%$  бўлган ҳол учун ҳисобланган.

Энди носимметрия коэффиценти  $K_{02} = 1,7\%$  бўлган ҳол учун ҳисоблар:

Носимметрия коэффиценти  $K_{01} = 5,3\%$  бузилишлар жадаллилиги  $\lambda_1 = 0,000106$  га тенглиги маълум, бундан

$$\frac{K_{01}}{K_{02}} = \frac{\lambda_1}{\lambda_2}$$

тенг пропорция тузамиз. У ҳолда

$$\lambda_2 = \lambda_1 \frac{K_{02}}{K_{01}} \quad (24)$$

эканлиги келиб чиқади.

Бу ерда  $K_{01}, K_{02}$  –лар мос равиш 1- ва 2 - ҳолатлар учун носимметрия коэффицентлари,  $\lambda_1, \lambda_2$  –лар мос равишда 1- ва 2 - ҳолатлар учун бузилишлар жадалликлари.

(24) формула ёрдамида  $K_{02} = 1,7\%$  бўлган ҳол учун  $\lambda_2$ нинг қийматини аниқлаймиз:

$$\lambda_2 = \lambda_1 \frac{K_{02}}{K_{01}} = 0.000106 \frac{1,7}{5,3} = 0,000034$$

Энди  $\lambda_2 = 0,000034$


$$T_{\text{ўртача}} = \frac{1}{\lambda_2} = \frac{1}{0.000034} = 29412 \text{ соат}$$

$$P(5000) = \exp\left[-\frac{8760}{29412}\right] = e^{-0.3} = 0,74;$$

$$P(10000) = \exp\left[-\frac{17520}{29412}\right] = e^{-0.6} = 0,55;$$

$$P(15000) = \exp\left[-\frac{26280}{29412}\right] = e^{-0.9} = 0,41;$$

Эксплуатациядаги куч трансформаторларининг ишончлилиги 3,1 баробарга ошириш имкони яратилган.



Ишлаш вақти, соат

20-расм. Куч трансформаторларининг ишончли ишлаш эҳтимоллик графиги

## Хулоса

“10/0,4 кВ кучланишдаги куч трансформаторларининг ишончилигини симметриялаш орқали ошириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилган:

1. Уч фазали куч трансформатори иккиламчи чулғамларининг ҳар бирини уч қисмга ажратиб ва нейтралга актив қаршилик қўллаб уланиш схемаси такомиллаштирилди. Натижада ночизикли электр юкламалар кучланишини симметриялаш имконияти яратилди.

2. Электромагнит индукция қонуни, Максвелнинг биринчи интеграл тенгламаси, Стокс теоремаси ва тригонометрик айниятдан фойдаланиб математик ифода олинди ва алгоритм ишлаб чиқилди. Натижада симметрияловчи куч трансформатори иккиламчи чулғамларидаги кучланиш қийматини аниқлаш имконияти яратилди.

3. Чулғамларининг уланиш схемаси ва ўрамлар сонини ўзгартириб уч фазали симметрияловчи куч трансформатори ишлаб чиқилди. Натижада эксперимент тадқиқотларини ўтказиш имконияти яратилди.

4. Ишлаб чиқилган уч фазали симметрияловчи куч трансформаторида эксперимент тадқиқотлари ўтказилди. Натижада уланиш схемаси  $Y/Y_0$  бўлган куч трансформаторида носимметрия коэффициенти  $K_{01} = 5,3\%$ , уланиш схемаси такомиллашган  $Y/Y_0$  0- гуруҳли уч фазали куч трансформаторида носимметрия коэффициенти  $K_{02} = 1,7\%$  эканлиги аниқланди.

5. Узоқ муддат эксплуатация шароитидаги куч трансформаторларининг ишончилигини ички симметриялаш орқали баҳолаш усули ишлаб чиқилди. Натижада симметрияловчи куч трансформаторининг ишончилигини баҳолаш имконияти яратилди.

6. Яратилган симметрияловчи куч трансформаторининг ишлаш ишончилиги баҳоланди. Натижада чулғамларининг уланиш схемаси такомиллашган  $Y/Y_0$  0- гуруҳли уч фазали симметрияловчи куч трансформатори чулғамларининг уланиш схемаси  $Y/Y_0$  бўлган куч трансформаторидан 3,1 баробарга кўпроқ хизмат қилиши аниқланди.

7. Илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган симметрияловчи куч трансформаторидан фойдаланиб носимметрик ҳолатларни бартараф этиш орқали эришиладиган иқтисодий самарадорлик 10/0,4 кВ кучланишдаги қуввати 100 кВА бўлган 1 та куч трансформатори учун 1 йилга 3 302 200 сўмни ташкил этди. Натижада Фарғона вилояти Фурқат туманда 10/0,4 кВ қуввати 100 кВА бўлган 85 та куч трансформаторларини ички симметриялаш орқали иқтисодий самарадорлик йилига 280 687 000 сўм ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ДОКТОРА НАУК DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ  
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТУЙЧИЕВ ЗАФАРЖОН ЗОКИРОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ НАДЕЖНОСТИ СИЛОВЫХ ТРАНСФОРМАТОРОВ  
НАПРЯЖЕНИЕМ 10/0,4 кВ ПУТЕМ ВНУТРЕННЕЙ СИММЕТРИИ**

**05.05.01 – Энергетические системы и комплексы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2022.Т4. PhD/Т 3325.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте и Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на сайте Ученого совета ([www.energetika.uz](http://www.energetika.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Юсупов Дилмурод Турдалевич**

доктор философии по техническим наукам,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Тоиров Олимжон Зувурович**

доктор технических наук, профессор

**Болтаев Отабек Ташмухамматович**

доктор философии по техническим наукам,  
доцент

**Ведущая организация:**

Навоийский государственный горный  
и технологический университет

Защита диссертации состоится «03» марта 2023 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 при Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100076, г. Ташкент, ул. М.Ашрафий, 1-пр, 9-А. Тел.: (+99871) 283-23-08, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: energetika\_in@umail.uz..

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100076, г. Ташкент, ул. М.Ашрафий, 1-пр, 9-А. Тел.: (+99871) 283-23-08, факс: (+99871) 237-38-79..

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2023 г.  
(Реестр протокола рассылки № 1 от «14» февраля 2023 г).



**Х.М. Муратов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.т.н., профессор

**К.Ш. Кадиров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, PhD, с.н.с.

**О.Х. Ишназаров**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученой степени доктора  
наук, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в первую очередь считается важной надежностью электроснабжения, которая определяется техническим состоянием энергосистем и эксплуатирующихся в них силовых трансформаторов, а вопросам увеличения срока службы этого электрооборудования придается особое значение. В настоящее время «во всем мире имеются силовые трансформаторы суммарной мощностью более 10 000 ГВА»<sup>1</sup>. Эксплуатационная надежность такого крупного комплекса объясняется тем, что она зависит от надежности его обмоток, составляющих его основную часть. В связи с этим, особое внимание уделяется, в том числе определению факторов, приводящих к выходу из строя силовых трансформаторов напряжением 10/0,4 кВ и оценке эксплуатационных показателей, а также повышению надежности трансформаторов.

Ведутся исследования по разработке методов выявления и снижения нежелательных процессов, связанных с несимметричными нагрузками силовых трансформаторов мощностью 10/0,4 кВ, используемых в энергосистеме мира, по продлению срока службы силовых трансформаторов при длительной эксплуатации и повышению надежности, обеспечению своевременного технического обслуживания для бесперебойной работы силовых трансформаторов, а также современных технологий снижения дефектов, вызванных несимметричными нагрузками в силовых трансформаторах. В этом направлении, среди прочего, определение основных факторов, влияющих на работу силовых трансформаторов, предотвращение несимметричных ситуаций, симметрирование путем изменения схемы соединения обмоток силовых трансформаторов в эксплуатации и симметрирующего устройства, а также повышение надежности трансформаторов являются одними из актуальных задач.

В нашей республике принимаются меры по разработке новой техники и технологий, внедрению их в отрасли экономики для обеспечения потребителей качественной электроэнергией. В новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи «Непрерывного обеспечения электроэнергией экономики и активного внедрения технологий «зеленой экономики» во все отрасли, повышения энергоэффективности экономики на 20 процентов»<sup>2</sup>. При реализации этих задач, в том числе, одним из важных вопросов является исследование электрооборудования в условиях длительной эксплуатации, выявление несимметричных процессов в электрических нагрузках и вызывающих их факторов, усовершенствование схемы подключения обмоток и получение математического выражения симметрирующих силовых трансформаторов, создание опытного образца симметрирующего силового трансформатора, повышение надежности за счет внутренней симметрии силовых трансформаторов.

---

<sup>1</sup> Statistical Review of World Energy, 67-th edition, June 2018.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. №УП-60 «Стратегия развития Нового Узбекистан на 2022 – 2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для практического выполнения задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об оперативных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», ПП-4779 от 10 июля 2020 г. «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов» и другими нормативными-правовыми документами, связанными с данной деятельностью.

